ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

Ф. Эрназаров

Ўзбекистон ва Ҳиндистон маданий алоқаларининг янги даври

Бу икки қадимий юрт маданий алоқалари тарихи милоддан олдинги узоқ даврларга бориб тақалади. У ўрта асрларда ҳам изчил давом этди. Айниқса, 330 йилдан ортиқ ҳукм сурган Бобурийлар салтанати Ҳиндистон тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирди. Улар даврида давлат қурилиши, мамлакат бошқаруви, иқтисодий ҳаётда ижобий ўзгаришлар содир бўлди, фан ва маданият, меъморчилик юксалди, ташқи муносабатлар ривожланди [1: 118–121]. Бобурийлар раҳнамолигида жаҳонга машҳур Тожмаҳал, Қизил Қалъа ва яна юзлаб тарихий ёдгорликлар бунёд этилди, илмий-бадиий асарлар ёзилди, маънавий қадриятлар шаклланди.

Шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида маданий ва иқтисодий алоқалар давом этгани ўша даврларга тегишли кўплаб қўлёзма асарлар ҳамда ҳужжатларда ёрқин акс этган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё хонликларининг Россия томонидан истило қилиниши оқибатида Ҳиндистон билан барча соҳалардаги алоқалар сустлашиб қолди. Мамлакатда шўролар ҳукмронлиги ўрнатилгач, бу аҳвол янада аянчли тус олди. Шунга қарамай, секинлик билан бўлса-да, маданий алоқалар ўзаро дўстлик ўзанида давом этаверди.

XX асрнинг ўрталарида Ҳиндистон ва Покистон номи билан аталадиган алоҳида давлатлар ташкил топди. Улар ўртасида 1947 – 1948 йиллари икки маротаба ва 1965 йили Кашмир ҳудуди бўйича келишмовчиликлар туфайли қуролли тўқнашувлар содир бўлди [19: 9]. Бу ихтилофни бартараф қилиш мақсадида 1966 йил январь ойида Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари Тошкентда учрашди [20: 20]. Тинчлик битимига эришиш учун айнан Ўзбекистон пойтахти танлангани бежиз эмас эди. Бу бир томондан, ҳар икки халқнинг кўп асрлик тарихи, маданияти ва турмуш тарзи яқинлиги билан изоҳланса, иккинчи тарафдан ўзбек халқининг тинчликсеварлигидан, можароли вазиятларни ечишда ўз ёрдамини аямаслигидан далолат беради.

Совет даврида маданият ҳамда илм-фаннинг мафкуралашуви, асрлар давомида шаклланган тарихий ва маънавий меросни халқ хотирасидан ўчиришга интилиш, миллий ва умуминсоний қадриятлардан узилиб қолиш ўзбек халқининг дунё маданий ҳудудига кириб бориши ва интеграциялашуви йўлини тўсиб қўйди. Мавжуд қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон раҳбарияти хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатишда қатъийлик кўрсата олди. Ўзбек ва ҳинд халқи муносабатларида бу ҳол яққол намоён бўлди. Ушбу алоқалар маданият кунлари, ижодий жамоалар фестиваллари, тасвирий санъат кўргазмаларини ташкил қилиш, мусиқа ва театр санъати соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйишга бўлган уринишлар каби жараёнларда кўзга ташланади [10: 186].

1968 йилдан Республика ҳамдўстлик қўмитаси ташаббуси билан ҳар икки йилда тинчлик ва халқаро дўстлик шиори остида Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали ўтказиладиган бўлди [10: 188]. Кинофестивалда Ҳиндистон кино усталари мунтазам иштирок этарди. Бу тадбир икки мамлакат кинематографчиларига ижодий фикр алмашиш, ўзаро маънавий ҳаёт ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконини берар эди. Шу асосда таниқли ўзбек ва ҳинд кино санъаткорлари ҳамкорлигида фильмлар яратиш ишлари бошланди. “Али бобо ва қирқ қароқчи”, “Севги ҳақида афсона” каби фильмлар ўша даврдаги саъй ҳаракатлар маҳсули эди [12: 212].

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан маданий муносабатларида адабий алоқалар алоҳида ўрин эгаллаган эди. Бу соҳанинг ривожланишига Тошкентда 50 дан ортиқ давлат вакиллари иштирокида ўтказилган ёзувчилар конференцияси туртки берди. Мазкур анжуманда халқларнинг тинчлик, озодлик ва демократияга бўлган интилиши тўлалигича акс этди. Ушбу анжуман Ўзбекистон ва Ҳиндистон ёзувчилари бир-бирларидан янги адабий жанрларни ўзлаштириши, ижодий тажриба алмашиши, асарларни маҳаллий халқлар тилларига ўгириш ишларига ижобий таъсир кўрсатди. Натижада ўзбек адибларининг асарларига нисбатан ҳинд китобхонлари ўртасида қизиқиш кучайди. Айрим муаллифлар асарлари юксак мукофотларга сазовор бўлди. Ҳиндистон билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун шоира Зулфияга Ж. Неру номидаги мукофот берилди [12: 116].

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасида минг йиллар мобайнида шаклланган алоқаларни тиклаш, ҳар жиҳатдан фаол ташқи сиёсат юритиш имконини яратди. 1991 йил 17 августда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари томонидан маданият, таълим, фан, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди [18: 51–53]. 1991 йил

5 январда Нью-Деҳли шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида имзоланган “Маданият, санъат ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим” халқларимизнинг ўзаро манфаатли маданий-маърифий алоқаларининг юксалишига дастлабки туртки бўлди [11: 86-88]. Тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида тузилган мазкур битимлар икки мамлакат халқлари ўртасида кўп қиррали маданият, фан ва таълим соҳаларидаги ҳар томонлама хамкорликнинг ривожланишини кўзда тутади.

Ўзбекистонда ҳинд халқининг мусиқа ва театр санъати ютуқлари жуда юқори қадрланади. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, республикамизда бир неча марта Ҳиндистоннинг ижодий гуруҳлари билан учрашувлар ўтказилди. 1993 йили Тошкент шаҳрида “Театр: Шарқ–Ғарб” мавзусида халқаро фестивал ташкил этилди. Унда кўпгина мамлакатлар театр санъати вакиллари қаторида Ҳиндистоннинг Чандагарҳа театр гуруҳи ўз композицияси билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Гуруҳ фестивалда Гириш Карнаданинг “Нага Мандла” қиссаси асосида саҳналаштирилган спектаклни намойиш этди. Республикамизнинг театр санъати мутахассислари ва томошабинлари ҳинд ижодкорлари чиқишлари билан яқиндан танишиш ва унга муносиб баҳо бериш имконига эга бўлишди [13: 11].

1994 йилнинг баҳорида таниқли ҳинд хонандаси Гаутама Райчауҳари бошчилигидаги етти кишидан иборат мусиқий жамоа катта концерт дастури билан Ўзбекистонга ташриф буюрди. Гастрол давомида Тошкент, Андижон ва Хонобод шаҳарларида концерт намойиш этди. Пойтахтдаги Туркистон саройидаги концерт дастурига Ҳиндистон элчихонаси ходимлари билан бирга бошқа мамлакатлар дипломатик корпуси вакиллари ҳам ташриф буюрди [14: 7].

Халқларнинг театр санъати соҳасидаги маънавий яқинлашуви жараёнида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали муҳим ўрин тутади. Мазкур фестивал Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилганди. У ҳар йили қадимий Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Фестивалнинг асосий мақсади Шарқ халқлари мусиқа санъатини тарғиб қилиш, маънавий алоқаларни кучайтириш ва халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдир. “Шарқ тароналари” фестивалининг доимий қатнашчилари қаторида Ҳиндистон мусиқа санъати намояндалари ҳам бор. 1997 йили бўлиб ўтган биринчи “Шарқ тароналари” фестивалида ҳинд мусиқасининг миллионлаб мухлислари таниқли хонанда Шалеш Шривастава ижросидаги қўшиқлардан баҳраманд бўлдилар [15: 32–36].

Мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда мазкур фестивал аҳамияти беқиёсдир. Фестивал жараёнини турли давлатлар

вакиллари кузатиб боришди. Улар орасида Тошкентдаги Ҳинд маданияти маркази директори, профессор Қамар Раис ҳам бор эди. У “Шарқ тароналари” фестивали санъат соҳасидаги глобал муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатиши, маданиятларнинг ўзаро бойиши ва таъсирини кучайтириш, халқларнинг маънавий соҳадаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлайди.

Мусиқа таржимага муҳтож бўлмаган ягона тилдир. У бутун дунёга миллий маданиятларимизнинг нақадар бойлиги ва чуқурлигини кўрсатади, халқларимизнинг эстетик ҳиссиётлари, тарихий тажрибаси ва интилишларини намоён этади [15: 13].

Ҳиндистонда ҳам худди шундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб туради. Унда республикамизнинг мусиқа ва театр санъати усталари бевосита иштирок этадилар. 1999 йили январ ойида Ҳиндистон штатларидан бирининг бош шаҳри Аҳмадободда “Маҳатсав–99” иккинчи Халқаро халқ рақслари фестивали бўлиб ўтди. Унда беш қитъадан ташриф буюрган яккахон раққосалар ва ижодий жамоалар қатнашди. Республикамиздан “Хоразм гуллари” халқ рақси дастаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Матёқубова бошчилигидаги “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмасининг Хоразм вилояти бўлими иштирок этди [17: 17].

Фестивал кунлари Аҳмадобод шаҳрининг турли бурчакларида намойиш этилган ўзбек халқ рақслари усталари чиқишларини томоша қилиш учун ҳар куни минглаб ҳиндистонлик санъат мухлислари тўпланди. “Хоразм гуллари” дастаси аъзолари одатдаги концерт дастурлари билан бир қаторда Хоразмда тўй маросимлари, ҳосил байрами, Наврўз байрамида ижро этиладиган миллий куй ва рақслар, ҳазил ўйинларидан иборат ижро дастури ҳамда ранг-баранг театрлаштирилган саҳна кўринишларини намойиш этишди. Ўзбек артистларининг ушбу чиқишлари ҳиндистонлик мусиқа ва фольклор санъати мухлисларига Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий санъати ҳақида тўлиқроқ маълумот олишга имкон берди. Фестивал кунлари ҳинд матбуотида мазкур тадбирга бағишланган кўплаб мақолалар чоп этилди. Уларнинг бирида ўзбекистонлик ижодкорлар ҳақида шундай дейилади: “Миллий либослардаги Хоразм қизлари мўъжиза кўрсатарди. Улар ҳақиқий санъат усталаридир.” [2].

Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлал Нерунинг таваллуд кунига бағишлаб ҳар йили мамлакатда ўтказиладиган Болалар Ассамблеяси Ҳиндистоннинг маданий ҳаётидаги анъанавий тадбирга айланган. Ушбу Ассамблеяда мунтазам равишда Ҳиндистоннинг турли штатларидан ва кўшни давлатлардан болалар делегациялари қатнашадилар. Ҳиндистон пойтахти Деҳлида 2000 йилда ўтказилган навбатдаги Ассамблеяда

мамлакатимиз вакиллари – Тошкентдаги “Ором” махсус ўқув-таълим мактаби ўқувчилари ҳам иштирок этди [17: 23].

Мазкур фестивалда ўзбекистонлик болалар тенгдошлари ва меҳмонларга ранг-баранг концерт дастурини намойиш этди. Ундан миллий либослар, рақслар ва қўшиқлар намойиши ўрин олган бўлиб, уларнинг барчаси ҳаммани ўзига мафтун этди. Айниқса, Алишер Уразметов ва қизалоқлар махсус тайёрлаган ҳинд рақслари ва куйлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ўзбек-ҳинд маданий алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш жараёнига мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан ҳамда Маданий алоқалар бўйича Ҳиндистон кенгаши кўмагида 2001 йил баҳорида Қорақалпоғистоннинг “Қиз Минайим” фольклор гуруҳининг Ҳиндистон бўйлаб ижодий сафари уюштирилди. Гастрол даврида гуруҳ йирик концерт зали, марказий майдон ва Ҳиндистон пойтахтининг Санскрит мактаби саҳнаси, шунингдек, бир йўла икки штат – Панжоб ва Ҳаряна пойтахти Чандигарҳ шаҳрида санъатини намойиш этди [9: 9].

Ўзбекистон-Ҳиндистон маданий алоқаларида кино санъати алоҳида ўрин тутади. Томошабинларнинг Ҳиндистон кино санъатига бўлган катта қизиқишини ҳисобга олиб, 1994 йили кузда Тошкентда ҳинд фильмлари фестивали ташкил этилди. Фестивал Алишер Навоий номидаги Санъат саройида бўлиб ўтди. Унда мазкур тадбирни ўтказиш учун Тошкентга ташриф буюрган ҳинд киноматографияси арбоблари иштирок этди. Фестивалга таниқли ва ёш режиссёрлар суратга олган 14 та фильм келтирилган эди. Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Самарқанд шаҳри кинотеатрларида “Кел ва мени қуч”, “Савдо”, “Наргиз”, “Индра”, “Учрашув” каби бир қанча фильмлар намойиш қилинди [4: 17–18].

Фестивал доирасида фильмлар намойишидан ташқари, ҳинд актёрлари ва режиссёрлари билан учрашувлар ҳам бўлиб ўтди, унда фильмлар ҳақида қизғин мунозаралар олиб борилди ва кинематография соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида сўз юритилди. Фестивалда иштирок этган Ҳиндистоннинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Далип Меҳта икки мамлакат ҳамкорлигини кенгайтиришга ёрдам берадиган маданий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳимлигини таъкидлади [4: 4].

Халқларни маънавий жипслаштириш кучига эга бўлган бундай тадбирлар Ҳиндистонда ҳам ўтказилди. Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттириш вазирлигининг кинофестиваллар Дирекцияси ташаббуси билан Ўзбекистон билан маданий алмашинув тўғрисидаги ҳукуматлараро келишув доирасида 1998 йилнинг кузида Деҳли шаҳрида Ўзбек киноси кунлари ўтказилди [16: 28].

Тадбирнинг тантанали очилишида Ҳиндистон сиёсий ва ишбилармон доиралари, дипломатик корпус вакиллари, фан ва маданият арбоблари, мамлакат олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттиришлар вазири ўринбосари П.Г. Мангат маросимда сўзга чиқиб, бундай кинофестивалларнинг халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги роли хусусида тўхталиб ўтди. Мазкур тадбирни "Ўзбеккино" Давлат акционерлик компанияси делегациясининг бош директор биринчи муовини М.Ҳазраткулов бошқарди. У маърузасида ўзбек кинофильмларининг намойиш этилиши ҳинд жамоатчилигининг Ўзбекистон ҳақида, унинг бой маданияти ва ўзбек халқининг анъаналари тўғрисида янада тўлиқ маълумот олишига ёрдам беради, деб таъкидлади [6: 4].

"Сири Форте" киноконцерт мажмуасида тўрт кун давом этган ўзбек киноси фестивалида "Сен етим эмассан", "Ўткан кунлар", "Темир хотин", "Абдуллажон", "Марғиёна" каби фильмлар намойиш этилди. Улар кунига икки марта қўйилиб, катта зал доимо томошабинларга тўла бўлди. Бу санъат ихлосмандларининг ўзбек киноси ва унинг бугунги кунига бўлган катта қизиқишдан далолатдир. Ўттиз йил олдин суратга олинган "Ўткан кунлар" картинаси ҳақидаги суҳбат ҳамда фильмдаги бош қаҳрамон – Отабек ролини ижро этган Ўлмас Алихўжаев билан учрашув жонли руҳда ўтди [16: 28–29].

Ҳиндистонлик кино мухлислари илмий-оммабоп ва ҳужжатли видеофильмлар билан ҳам танишдилар. Уларда мустақиллик йилларида халқ хўжалигининг турли соҳаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, мамлакатимиз илм-фани, маданияти, тарихи, қадимий шаҳарлари, тарихий обидалари, удум ва анъаналари, бетакрор табиати ҳақида ҳикоя қилинади [16: 28–29].

Ҳиндистонда ўзбек киноси кунларининг ўтказилиши мамлакатлари мизнинг кинематография соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Муҳими, мазкур тадбир чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ушбу соҳада ижодий ҳамкорликни давом эттириш тўғрисида келишувларга эришилди. Хусусан, ўзбек кинематографиячиларининг Марказий Осиёда етишиб чиққан буюк шоирлар – Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил ва Мирзо Ғолиб ҳаёти ва фаолияти ҳақида фильм суратга олиш ҳақидаги таклифи мамнуният билан қабул қилинди [16: 29].

Ҳар йили Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида халқаро кинофестивал ўтказилади. Ушбу кинофорумда дунёнинг кўпгина мамлакатлари вакиллари ўз маҳсулоти билан иштирок этади. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ҳам сўнгги йилларда мазкур маданий тадбирда фаол иштирок этиш имконини қўлга киритди. 2000 йил кузида кинорежиссёр ва актер Исамат Эргашев бошчилигидаги ўзбек кинематографчилари делегацияси

мазкур нуфузли кинофорумда қатнашди. Фестивал кунлари томошабинлар эътиборига “Феллини”, “Муҳаббат”, “Оратор” каби фильмлар тақдим этилди [8: 18]. Ҳиндистонлик мухлислар ўзбек кинорежиссёрлари кино маҳсулоти билан танишдилар ва артистларимиз маҳоратини юқори баҳоладилар.

Ўзбек-ҳинд маданий ҳамкорлигида халқларнинг маънавий яқинлашуви жараёнига ижодий ёшлар тобора кенг жалб қилина бошланди. Бу икки мамлакат тарихий анъаналарини мантиқий давом эттириш, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини авлоддан-авлодга олиб ўтиш натижасидир. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 2000 йил январида Ҳиндистон маданият марказида бўлиб ўтган “Шанкар” болалар суратлари халқаро танловининг ўзбекистонлик ғолиблари чизган суратлар экспозициясининг тантанали очилиши ва ғолибларга мукофот топшириш маросимини айтиб ўтиш кифоя.

Мазкур халқаро танловнинг тарихи 1949 йилда Ҳиндистондаги йирик кутубхоналардан бирининг ходимлари ёш рассомлар кўргазмасини ташкил этиш билан бошланган. Кўргазмага ташриф буюрган Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлал Неру уни халқаро миқёсга кўтаришни тавсия қилди. Шундан бери ҳар йили дунёнинг барча бурчакларидан ёш тасвирий санъат ишқибозлари Ҳиндистонга йиғилади.

Ҳиндистонда 1999 йили бўлиб ўтган навбатдаги “Шанкар” юбилей халқаро танловида 100 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этди. Улар орасида Ўзбекистон вакиллари ҳам бор эди. Нафис санъат Республика лицейи ўқувчилари мазкур танловнинг ғолиблари ва совриндорлари бўлди. Истеъдодли болаларимиз 3 та олтин ва 7 та кумуш медал ҳамда рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлдилар. Танловнинг биринчи олтин медалини ўзбекистонликлар ичида Разида Сабирзянова ўзининг “Кришнанинг болалиги” деб аталган асари учун қўлга киритди. Ойбек Исламов ҳам худди шундай муваффақиятга эришди. Унинг ажойиб бадиий ишлари – Ражив Ганди ва Жавоҳарлал Неру портретлари жюри томонидан муносиб баҳоланди [7: 32].

Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлигининг маданият соҳасидаги яна бир муҳим қирраси “Ҳиндистонда Ўзбекистон кунлари” ва “Ўзбекистонда Ҳиндистон кунлари”нинг ўтказилишидир. Улар мамлакатларимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида тўла ахборот олишга ёрдам беради. 2000 йил кузида ўтказилган “Ҳиндистонда Ўзбекистон кунлари” бунинг далилидир [17: 33].

Ўша пайтда Жавоҳарлал Неру номидаги етакчи Ҳиндистон университетида мамлакатимизга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ушбу кечанинг ташаббускори бўлди. Кечада Ташқи ишлар вазирлиги, Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари, олимлар, мазкур университет ўқитувчи ва талабалари, журналистлар иштирок этди [3].

Тадбирни очиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий тамойиллари, республикамиз таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Профессор М.Адам ва Жавоҳарлал Неру номидаги университет ректори Х.Мукия шундай деди: “Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги алоқалар асрлар қаърига, мамлакатларимиз ҳудуди бўйлаб ўтган Буюк ипак йўли тарихига бориб тақалади. Ўзбекистон кунларининг йирик ҳинд ўқув юртларидан бирида ўтказилиши Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги мавжуд анъанавий алоқаларнинг яна бир далилидир”. Бу борада Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бошлиғи А.Сена таъкидлаганидек: “Ўзбек халқининг меҳмондўстлик, меҳр-оқибат ва самимийлик каби хислатлари учинчи минг йиллик бўсағасида икки мамлакат муносабатларининг янада ривожланиши гаровидир” [8: 13].

Байрам дастурини ўтказиш давомида университет кутубхонасига давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби, Ўзбекистон тарихи, унинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи китоб ва журналлар совға қилинди. Кеча иштирокчиларида “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” ҳужжатли фильми ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган кино лавҳа намойиши катта қизиқиш уйғотди. Халқ усталари буюмлари, диёримиз гўзаллигини мадҳ этувчи ўзбек мусаввирлари асарлари кўргазмалари, Деҳли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбек талабалари ижросидаги миллий ва ҳинд рақслари ҳам ҳинд жамоатчилиги диққатини мамлакатимизга жалб этди [8: 13].

Мустақиллик йилларида ўзбек ва ҳинд халқининг маданий алоқалари том маънода янги юқори поғонага кўтарилди. Биз илм-фан ва маданиятнинг бошқа соҳаларига ҳозирча тўхталмадик. Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги бугунги кундаги маданий алоқалар моҳияти ва сифатига кўра шўролар давридагидан тубдан фарқ қилади. Бугун – ўзаро маданий алоқаларнинг янги шиддатли даври жараёнидир. Мазкур маданий алоқаларнинг кучайиши ва мунтазам тус олиши икки халқ маданияти, адабиёти, тарихи ва илм-фани ривожи ҳамда улар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. История Индии в средние века / АН СССР. Ин-т народов Азии / Отв. ред. Л.Б. Алаев и др. Москва, 1968.

2. Народное слово. 1999, 27 январь.

3. На земле древней Индии // Народное слово. 2000 г. 11 ноябрь.

4. Тошкентдаги Ҳиндистон Республикаси элчихонаси. Ахборот туркумидаги ҳисобот. 1994.

5. Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази жорий архиви. Ахборот туркумидаги ҳисобот. 1997.

6. Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази жорий архиви. 1998, №4 ҳисоботи.

7. Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази жорий архиви. Юбилей ва тадбирларни ўтказиш ҳисоботи. 1999.

8. Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази жорий архиви. 2000, №4 ҳисоботи.

9. Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази жорий архиви. Ахборот туркумидаги ҳисобот. 2001, № 2 ҳисоботи.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзР МДА), 2661 жамғарма, 1-рўйхат, 187- йиғма жилд.

11. ЎзР МДА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 327-йиғма жилд. Межправительственные соглашения о сотрудничестве в области культуры и искусства между Республикой Узбекистан и зарубежными странами.

12. ЎзР МДА, 2661 жамғарма, 1-рўйхат, 212-йиғма жилд.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият Ишлари Вазирлиги жорий архиви Хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик ҳисоботидан. 1993.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият Ишлари Вазирлиги жорий архиви Хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик ҳисоботидан. 1994.

15. Ўзбекистон Республикаси Маданият Ишлари Вазирлиги жорий архиви Хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик ҳисоботидан. 1997.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият Ишлари Вазирлиги жорий архиви Хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик ҳисоботидан. 1998.

17. Ўзбекистон Республикаси Маданият Ишлари Вазирлиги жорий архиви Хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик ҳисоботидан. 1999.

17. Ўзбекистон Республикаси Маданият Ишлари Вазирлиги жорий архиви Хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик ҳисоботидан. 2000.

18. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари. Тошкент, 1997.

19. Ғиёсов Т. Бугунги Ҳиндистон. Тошкент, 1981.

20. Ғиёсов Т. Қўшилмаслик ҳаракати – тинчлик ва халқаро хавфсизлик омили. Тошкент, 1984.

Ф. Эрназаров

Ўзбекистон ва Ҳиндистон маданий алоқаларининг янги даври

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан маданий алоқалари янги босқичга кўтарилди. Бу икки давлат ўртасида таълим, фан, маданият ва санъат соҳаларида ўзаро алоқаларнинг ривожланаётганини кўрсатмоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги жорий архиви ва Марказий давлат архиви маълумотлари асосида икки давлат ўртасида маданий йўналишдаги муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши таҳлил қилинган. Тадқиқотда совет ва мустақиллик йилларидаги маданий алмашинувлар қай тарзда давлатлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: *маданият, санъат, илм-фан, тинчлик, ўзбек-ҳинд муносабатлари, мусиқа, кино, театр, рақс.*

Ф. Эрназаров

Новая эра в культурных отношениях между Узбекистаном и Индией

В годы независимости культурные связи Узбекистана с Индией поднялись на новый уровень. Это показывает, что отношения между двумя странами развиваются в сферах образования, науки, культуры и искусства. В этой статье на основе действующих архивов Министерства культуры Республики Узбекистан и Центрального государственного архива анализируются формирование и развитие культурных связей между двумя странами. В исследовании показана роль культурных обменов в советский период и в годы независимости в обеспечении укрепления дружбы между государствами.

Ключевые слова: *культура, искусство, наука, мир, узбекско-индийские отношения, музыка, кино, театр, танец.*

F. Ernazarov

A new era in the cultural relations between Uzbekistan and India

During the years of independence, Uzbekistan's cultural ties with India has risen to a new level. This shows that the relations between the two countries are developing in the spheres of education, science, culture and art. This paper based on operating archives of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan and the Central State Archive analyzes the formation and development of cultural exchange between two countries. The issue illuminates how cultural exchanges in the Soviet Union and over the years of independence to serve strengthen friendship between two countries.

Key words: *culture, art, science, peace, Uzbek-Indian relations, music, cinema, theatre, dance.*